

## Бақара сураси, 135-оят

06:10 / 02.12.2017 3876

**Улар: «Яҳудий ёки насоро бўлинг, ҳидоят топасиз», - дедилар. Айт: «Балки ҳаниф бўлган Иброҳимнинг миллатига (диниға эргашамиз) ва у мушриклардан бўлмаган эди». Бақара 135.**

Ушбу оятда Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссаломга аҳли китобларнинг:

**«Яҳудий ёки насоро бўлинг, ҳидоят топасиз»** деган чақириқларига жавобан нима дейиш кераклигини ўргатиб:

**«Айт: «Балки ҳаниф бўлган Иброҳимнинг миллатига (диниға эргашамиз) ва у мушриклардан бўлмаган эди», - демоқда.**

Яъни «Яхшиси, ҳаммамиз – сизлар ҳам, биз ҳам Иброҳим алайҳиссаломнинг ҳаниф миллатига эргашайлик», – дейишни буюрмоқда. «Ҳаниф» деган сўз барча ботил динларни ташлаб, ҳақ дин томон бурилишни англатади. Иброҳим алайҳиссаломнинг динлари ана шундай дин бўлган. Яҳудийлар ҳам, насронийлар ҳам ўзларини у зотнинг зурриётларидан, у кишига эргашганлардан эканликларини ҳаммага пеш қилишмоқда. Демак, даъволари ҳақ бўлса, ўша боболари Иброҳим алайҳиссаломнинг динига – ҳаниф дин бўлмиш Исломга эргашсинлар. Чунки

**«...у мушриклардан бўлмаган эди».** Яҳудийлар эса «Узайр Аллоҳнинг ўғли», – деб ширк келтиришмоқда. Насоролар эса «Ийсо Аллоҳнинг ўғли», – деб ширк келтирмоқдалар.

Қуйидаги оятда Аллоҳ таоло Ислом умматига хитоб қилиб, ушбуларни таъкидлайди: Аллоҳдан келган ҳамма динлар бирдир, Иброҳим алайҳиссаломдан бошлаб, Ийсо алайҳиссаломгача – ҳаммаларига ишониш лозим ва ҳамма мусулмон бўлиши шарт.